

Буюк Британия масжидлари уйсизларга совуқ қишни ўтказишда ёрдам бермоқда



14:35 / 12.02.2019 1781

Буюк Британиянинг Бирмингем шаҳрида жойлашган масжид бошпанасиз одамларга ёрдам бериш учун ўз эшикларини очди, деб хабар беради Birmingham Mail reported.

- Ярим кечаси шаҳар марказидаги кўчалар четида, йўлакларда совуқ ерда ухлаб ётган одамларни кўрасиз, - дейди Грин Лэйн масжиди администратори Камрон Хусайн. - Баъзи кишилар совуқдан ҳаёт билан видолашади. Шу сабабдан ҳам биз ўз имкониятимиздан келиб чиқиб уларга ёрдам беришга қарор қилдик.

Икки ҳафта олдин бошланган ушбу лойиҳа кўпчилик бошпанасиз юрган кишиларга катта ёрдам бермоқда. Бу фаолиятга атрофдаги ресторанлар ҳам қўшилган.

Грин Лэйн масжиди ташаббусидан сўнг бошқа исломий жамоалар ҳам бу савобдан насибадор бўлиш учун ҳаракатга киришдилар. Престондаги масжид иссиқ кийим, гигиена воситалари ва бузилмайдиган озиқ-овқатлардан иборат биринчи зарур нарсаларни ўз ичига олган 105 дона қопчалар тайёрлаб тарқатишни бошлаган. Ньюболлдаги Мадина масжид жамоаси эса ташқарида бошпанасиз юрганларга зарур нарсаларни сотиб

олиш учун 900 евродан эҳсон қилган.





Islom.uz портали таҳририяти